# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 151 (9.646) 2001 йил 26 декабрь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда


## ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИМОМАЛИ РАҲМОНОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН, ҚОЗОҒИСТОН, ҚИРҒИЗИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН РАҲБАРЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ ХУСУСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов шу йил 27-28 декабрь кунлари амалий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлади. Ташриф чоғида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган бошқа долзарб муаммолар муҳокама этилади.

Шу кунларда Тошкентда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Президентларининг учрашуви ҳам бўлиб ўтади. Унда кўп томонлама ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболи, минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш муаммолари кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

## Дам олиш кунини 2001 йил 29 декабрь шанбадан 31 декабрь душанбага кўчириш тўғрисида

Янги йил байрамини нишонлаш муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

Дам олиш куни 2001 йил 29 декабрь шанбадан 31 декабрь душанбага кўчирилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2001 йил 24 декабрь

# ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

**КЎРГАЗМАЛАР**

## БАЙРАМ СОВҒАСИ

**Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да Янги йил байрами арафасида — 24-26 декабрь кунлари «Халқ истеъмоли моллари савдо кўргазмаси — 2001» бўлиб ўтди.**

Кўргазмада шаҳримиз ва республикамиз вилоятларида фаолият кўрсатаётган 30 дан ортиқ корхоналар ўз маҳсулотларини намойиш этишди. Улар орасида «Тоштўқимачи», «Юлдуз», «Тошкент чинни заводи» акциядорлик жамияти сингари йирик корхоналар, «Мавж», «Помир шайх», «Тошкент тифектери», «Лаз ўглу» каби қўшма корхоналар, кичик ва хусусий корхоналар мавжуд бўлиб ушбу жамоаларда ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар кўргазма иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.



— Савдо кўргазмасига корхонамизда тайёрланаётган тўрт хилдаги чой маҳсулотларини олиб келдик, — дейди «Тошкент тифектери» Ўзбекистон — Англия қўшма корхонаси директорининг ўринбосари Олим Йўлдошев. — Энг муҳими эса фаолиятимизнинг илк давриданоқ ўз харидорларимизга эга бўлганимиздир. Хушбўй ва мазали «Тошкент» чойимиз барчага бирдек манзур бўлмоқда. Ушбу кўргазма савдода биз бунга яна бир бор амин бўлдик. Чунки маҳсулотимизга қизиқувчиларнинг ҳам, харидорларнинг ҳам кети узилмади.

Шунингдек, «Комсар» акциядорлик жамияти, «Помир шайх», «Туфин» қўшма корхоналари маҳсулотлари ҳам харидорларни жалб этди.




— Байрам арафасида бундай кўргазма савдонинг уюштирилиши айни муддаодир, — дейди ҳамшаҳримиз Фарида Тоҳирова. — Кўргазмани томоша қилиб мамлакатимизда мана шундай ажойиб маҳсулотлар тайёрланаётганидан дилимизда фахр туйғуси уйғонган бўлса, шу билан бирга байрам дастурхони ва болажонларимиз учун кўнгилдагидек совғалар харид қилиб шод бўлдик.

Уч кун давом этган савдо кўргазмаси ташриф буюрганларда катта таассурот қолдириб пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига байрам кайфияти улашди. Ўзбекистонимизнинг иқтисодий салоҳияти яна бир бор намоён бўлди.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: кўргазма залидан лавҳалар.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.**

## Сарҳисоб ва янги режалар

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» СЎРОВНОМАСИ**

***1. Сизнингча ўтаётган йилда юртимизда, хусусан пойтахтимизда амалга оширилган ишларнинг энг муҳимлари нималарда намоён бўлмоқда?***

***2. Янги йилни қандай ниятлар билан қаршилаяпсиз? Умуман йил якунидан кўнглингиз тўлаяптими? Келгуси йилда кўпроқ нималарга эътибор қаратилишини истардингиз?***

**• Садриддин ИСМОИЛОВ, тадбиркор, «Олмос текс» масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

— Ўтаётган йилда мустақил диёримизда барчанинг диққат-эътибори энг улуғ ва энг азиз байрам — Истиқлолимизнинг 10 йиллик шодиёнасини муносиб кутиб олишга қаратилди, десам асло муболаға бўлмайди. Мустақиллигимизнинг қутлуғ байрамига ҳар бир соҳа ходимининг тайёрлаган ўз туҳфаси — бу мамлакатимизнинг тобора равнақ топаётганидан, иқтисодиётимизнинг ривожланаётганидан нишонадир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда, шу жумладан пойтахтимизда жуда катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Айниқса, ўрта ва кичик бизнес, тадбиркорликнинг ривожи йўлида амалга оширилаётган ишлар, 2001 йилда унинг тараққиёти йўлида чиқарилган қатор ҳужжатлар иқтисодиётимизни ривожлантиришда муҳим ҳисса бўлди. Хусусан жамоамиз учун йил омадли келди. Собир Раҳимов туманида бўлиб ўтган «Ташаббус» кўрик танловида «Энг яхши тадбиркор» номига сазовор бўлдик. Бизга яратилаётган ҳар бир шарт-шароитдан, имкониятдан унумли фойдаланишни ўргандик.

Янги йил ҳам ҳар бир соф ниятли инсон учун яхшилик, яратувчилик йили бўлишини истаган ҳолда олдимизга жуда кўп мақсадлар қўйганмиз. Корхонамизда маҳаллий хом ашё — пахтадан турли маҳсулотлар тайёрлаб уни Россия Федерацияси ва бошқа давлатларга сотамиз. Истардикки, кириб келаётган эзгу йилда ишларимиз ривож топиб, маҳсулотимиз сифати ортсин, харидорларимиз сафи кенгайсин. Тадбиркор деган номни ўз ҳалол меҳнатимиз, ташаббусимиз билан оқлайлик. Бугунги эътибор ва ҳимоядан кўнглим тўлгани ҳолда Янги йилда тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга янада кўпроқ аҳамият берилишини истардим. Ана шундай эзгу ният билан иш бошлаган тадбиркорга толе ҳамиша ёр бўлади.

**• Муродилла РАҲИМОВ, Сергели туманидаги «Умид учқуни» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси:**

— Ўтган йилда пойтахтимизда коммунал хўжалиги соҳасидаги ислоҳотлар ҳаётга кенг тарғиб этила бошлади. Хусусан, уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолияти кенгайди. Бунинг натижасида шаҳримиздаги кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи хонадон эгаларининг турар жойларга муносабати ўзгарди, уйларнинг ҳолатига, уни авайлаб-асрашга, тежаб-тергашга алоҳида аҳамият қаратилди. Ҳозирда кўпгина ширкатларда хонадон эгалари билан хизмат кўрсатувчи ўртасида келишмовчиликлар сезиларли даражада камайган, хизмат сифати бирмунча яхшиланган.

Пойтахтимизда янги-янги замонавий уйлар қад ростлаётганлиги, унга кўплаб бахтиёр оилаларнинг кўчиб кираётганлиги ва улардаги қулайликлар кишини қувонтиради. Ўтаётган йилимиз ҳам ана шундай уй тўйларига мўл бўлди.

Ҳар йили эски йилни кузатар эканмиз кириб келаётган Янги йилнинг орзулари ўзгача бўлади. Ҳар ким ўз соҳасидан келиб чиқиб гапиради-да. Ниятим уй-жой мулкдорлари ширкатлари ширкат аъзоларининг ишончини ҳамиша қозонсин. Коммунал соҳадаги ислоҳотларнинг амалга ошиши бу халқимиз фаровонлигининг, уй-жойларимиз саранжом-саришталигининг омилидир. Истардимки, келаётган йилда барчанинг эзгу ниятлари амалга ошсину элим деб, юртим деб яшаётганлар сони юксак бўлсин. Ниятлар амалга ошадиган йил кираётгани аниқ.

## ҚИСҚА сатрларда

❐ **МИРЗО** Улуғбек тумани ҳокимлигида туман фаоллари, корхона, муассаса, ташкилотлар, хусусан шифохоналар раҳбарлари, маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссияларининг раислари иштирокида оилавий шифохоналар фаолиятини такомиллаштириш масаласига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

❐ **АКМАЛ** Икромов туманидаги Ҳабиб Абдуллаев номли маҳаллада ўтказилган тадбир «Тинчлик учун курашмоқ керак» деб номланди. Шунингдек, Ҳамза туманидаги «Тошмаргёғ» очиқ ҳиссадорлик жамиятида ҳам юқоридаги мавзуда тадбир бўлиб ўтди.

❐ **БЕКТЕМИР** туман ҳокимлигида туман фаоллари, ички ишлар органлари ва тиббиёт ходимлари иштирокида ўтказилган тадбир «Гиёвандлик — аср вабоси» деб номланди.

❐ **СОБИР** Раҳимов туманидаги 206-боғча ҳамда 278-мактабда боғча тарбияланувчилари ва ўқувчиларнинг Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари билан учрашувлари бўлиб ўтди.

❐ **ШАҲРИМИЗДАГИ** 22-ўрта мактабда ўтказилган тадбир табиатни асраб-авайлаш масаласига бағишланди.

❐ **РЕСПУБЛИКА** олимпия захиралари спорт коллежида футбол бўйича Чилонзор туман мактаблари жамоалари иштирокида «Умид ниҳоллари» мусобақалари бўлиб ўтди.

## ХХI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг иқтисодий, молия ва банк соҳаларини ислоҳ қилиш бозор тамойиллари ва механизмларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

• **Кеча** Тошкент Давлат аграр университетида ушбу даргоҳ олимлари, Олий Мажлиснинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси, республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Ер ресурслари давлат қўмитаси вакиллари иштирокида «Қишлоқ хўжалигида тупроқ унумдорлигини оширишнинг илмий-амалий асослари» мавзуида семинар ўтказилди.

• Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.

• Халқ таълими вазирлиги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда ташкил этган «Президент асарларининг билимдони» танлови якунланди. Унинг якунига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги 2-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси Насиба Қудойберганова ғолиб деб топилди.

• Тошкент вилояти Паркент туманида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссиясининг кўчма семинар кенгаши бўлиб ўтди.

• «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг ташаббуси билан Сирдарё вилоятидаги «Оқ олтин» бекатидан Тошкент — Теҳрон— Истамбул йўналиши бўйича халқ хўжалиги маҳсулотлари ортилган илк кўргазмали контейнер — поезд йўлга тушди.

• Ўзбекистон Миллий университетида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанини ўргатиш масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

• Андижон Давлат тиббиёт институти ўқитувчилари операция хонасига кирмасдан туриб, маърузалар давомида тажрибали жарроҳлар томонидан амалга оширилаётган операцияларни намойиш этиш, талабалар эса билимларини тезроқ ва яхшироқ ўзлаштириш имконига эга бўлди. Яқинда институт шифохонасининг жарроҳлик бўлимида видеотелевизион ускуна иш бошлади.

• АҚШ ҳукумати томонидан молиялаштирилган «Аксельс» дастури доирасида 2001 йилда ўтказилаётган инглиз тили муаллимлари кўрик танловининг сўнгги босқичида Бухоро шаҳридаги 16-мактаб ўқитувчиси Анна Кочнева ва Файзулла Хўжаев тумани академик лицейининг ўқитувчиси Лиля Муҳитдинова иштирок этган эди. Бу педагогик маҳорат кўригида Анна Кочневанинг омади чопиб АҚШда малака ошириб қайтди.

• Термиз Давлат университетида «Туркистонда жадидчилик ҳаракати ва мустақил Ўзбекистоннинг миллий истиқлоли» мавзуида республика илмий амалий анжуман бўлиб ўтди.

• Чирчиқдаги «Электрохимёсаноати» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Кимёгар» маданият саройида Ўзбекистон ёнилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ташаббуси билан ўтказилаётган «Оналар ва болалар» республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

• **Кеча** Жиззахда бокс бўйича республика чемпионати якунланди.

### Жаҳонда

• Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Ўзбекистон Президентининг БМТ Бош Котиби Кофи Аннанга Афғонистонда урушдан кейинги тинч ҳаётни тиклаш борасида Ўзбекистон нуқтаи назари баён этилган ёзма мурожаати ҳужжат сифатида нашр этилди ва тарқатилди.

• Афғонистон Муваққат маъмуриятининг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комилов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси Қобулда Президент Б.Раббонийнинг мамлакат Муваққат маъмурияти раҳбари Ҳ.Карзайга ҳукумат ваколатларини топшириш маросимида иштирок этди.

• **Бугун** Москвада Россия ва Беларусь олий давлат кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтади.

• **Кеча** Доғистон олий суди чечен дала командири С.Радуев иши юзасидан ҳукм чиқарди.

• **Кеча** Оқ уй раҳбари Жорж Буш баёнот бериб, АҚШ террорчиликка қарши курашда ёрдам сўраган ҳар қандай давлатга кўмак беришга тайёрлигини маълум қилди.

• Америка федерал сайловчилари Шри Ланка фуқароси Париж аэропортида Америка ҳаво йўллари авиакомпаниясига қарашли самолётни портлатмоқчи бўлганида қўлга олинганини маълум қилишди. Унинг бирор террорчилик гуруҳига тегишлилиги ёки якка ҳолда ҳаракат қилганлиги ҳали аниқланмаган.

• Афғонистон Муваққат ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзай мамлакатда террорчиликка қарши курашни бундан буён қатъий кескинлаштиришга қарор қилганлигини айтди.

• Швеция ҳукумати халқаро тинчликни сақдаш кучлари сафида саъй-ҳаракат кўрсатиш учун Афғонистонга 45 нафар разведка юборишга қарор қилди.

• Аргентинада юз берган давлат инқирозидан сўнг президент Фернандо де ла Руа истеъфога чиққан эди. Бунга мамлакатнинг иқтисодий таназзулга юз тутганлиги сабаб бўлди. Ана шу воқеалардан сўнг ассамблея янги Президент сайлади. Сан-Луис вилоятининг ҳокими Адольфо Родригес Саа ушбу лавозимга муносиб деб топилди.

• Ҳиндистон хавфсизлик хизмати мамлакат парламенти котибияти ходимларидан бирини жосусликда айблаб, ҳибсга олди.

## Иккинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг тўққизинчи сессияси тўғрисида

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ 2001 йил 29 декабрда иккинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг тўққизинчи сессияси бўлиб ўтади.

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Тошкент шаҳар иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг 2001 йил кутилаётган якунлари ва 2002 йилдаги вазифалар тўғрисида.
2. Тошкент шаҳрининг 2002 йилги бюджети ҳақида.
3. Маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигини оширишда туман ҳокимликларининг ўрни тўғрисида.
4. Тошкент шаҳрининг коммунал хизмат кўрсатиш тизимида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш тўғрисида ва бошқа масалалар.

## ОКРУГ КОМИССИЯСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2002 йил 27 январь кунига тайинланган референдумни ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2001 йил 15 декабрь куни қабул қилинган қарори билан референдум ўтказувчи Тошкент шаҳар округ комиссияси қуйидаги таркибда тузилди:**

Асамов Шкурат Хуснутдинович — очиқ турдаги «Ёшлик фабрикаси» акционерлик жамияти бошқаруви раиси, Акромов Ғуломжон Саматович — «Ўзкабель» Давлат акционерлик бирлашмасининг 2-сонли цех бошлиғи, Акромов Акмал Маҳмудович — «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг бош муҳаррири, Асатов Сайдулла Исматович — С. Қ. Исломбеков номли «Ўзкимёфарм» очиқ ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси, Асқаров Алишер Ходжиевич — «3-автокомбинат» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси, Атаджанов Муҳамедкарим Расулович — «В. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамияти касаба уюшмаси қўмитасининг раиси, Гадойбоев Аъзам — Тошкент шаҳар оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси, Ибрагимов Нематула — Тошкент Давлат шарқшунослик институти ректори, Каримова Айзода Алекбаровна — Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, Петаева Людмила Ивановна — Акмал Икромов тумани 194-сонли мактаб директори, Ярмуҳамедов Одилжон — «Тошуйжойлойиҳа» институти ҳуқуқшуноси.

Референдумни ўтказувчи Тошкент шаҳар округ комиссиясининг мажлисларида комиссиянинг раиси, раис ўринбосари ва котиби сайланди, референдум участкалари тузилди ҳамда референдум ўтказувчи участка комиссияларини тузишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш, комиссия аъзоларининг ишини ташкиллаштиришга оид масалалар кўриб чиқилди.

Комиссия Мовароуннаҳр кўчаси, 13-уй, Ўзбекистон Республикаси Давлат акционерлик суғурта компанияси биносида жойлашган. Референдум билан боғлиқ масалалар юзасидан комиссия аъзоларига 133-30-52 телефони орқали мурожаат этиш мумкин.

**ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА**

## Арча атрофида



Тошкентда қувноқ Янги йил томошалари бошланди. Пойтахтимиздаги қарийб барча театрлар фарзандларимизни ўз бағрига олиб бу ерда турли томошалар намойиш этилмоқда. Санъат кошоналарига кираверишдаги салобатли арчалар барчага қувонч бағишлайди. Шундай Катта арчалардан бири Катта театрда, Ўзбекистон Ёшлари театрида ва бошқа театрларда ўрнатилган.

Ўзбекистон академик рус драма театри ҳам қувноқлар билан гавжум. Бу ердаги томошалар фарзандлар қалбига қувонч бахш этмоқда. Театрга кираверишда болалар Қорбобо ва Қорқиз билан учрашишади, кейин эртаклар оламига саёҳат қилишади.

Ҳа, арча атрофида бўлаётган томошалар энди бошланаяпти, у ҳали анча кун давом этади.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТДА: Ўзбекистон академик рус драма театри кираверишида ўрнатилган арча атрофида.**

**Сергей Любчич олган сурат.**

## Долзарб вазифалар муҳокамаси

**ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРДА**

**КЕЧА**

**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари мажлислари бўлиб ўтди. Уларда йил якунлари ва келгусидаги вазифалар кўриб чиқилди.**

Маълумки, «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»ни амалга ошириш борасида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 майдаги қарорига мувофиқ Тошкент шаҳар ҳокимининг 1998 йил 4 августдаги қарори қабул қилинганди.

Тошкент шаҳар Кенгашининг **қонунийлик, ҳуқуқ тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича комиссияси** мажлисида мазкур дастурнинг бажарилиши борасида шу кунга қадар қилинган ишлар, муаммолар ҳақида гап борди.

Хусусан, Ички ишлар, Халқ таълими бош бошқармалари, Адлия бошқармаси томонидан «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Маънавият ва маърифат» маркази билан биргаликда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш юзасидан ўтказилаётган тадбирлар ҳаётда ўз аксини топмоқда. Жойларда кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишлари изчил йўлга қўйилган. Бу борада таълим соҳасида тўлиқ тизим жорий қилинган.

Йиғилишда ушбу йўналишдаги ишларни такомиллаштириш ва жадаллаштириш борасида ҳар бир меҳнат жамоасини ҳуқуқшунос билан таъминлаш, бу соҳа мутахассислари малакасини ошириш мақсадида мунтазам равишда аттестация ўтказиш, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг бугунги кун талаби даражасида ўз билимларини кенгайтириш борасида ҳар бир маҳаллада бепул хизмат кўрсатувчи «Адвокат маслаҳати» тизимини шакллантириш, жойларда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш учун маҳалла посбонлари — сардорлари ҳамкорлигини янада жонлантириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Комиссия йиғилишида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлар, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича гуруҳи томонидан жорий йилда амалга оширилган ишлари ҳақида ахборот тингланди.

Тошкент шаҳар Кенгашининг **коммунал хўжалик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари** ҳамда **саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияларининг** қўшма мажлиси кун тартибига саноат, транспорт, қурилиш ва коммунал соҳаларида 2001 йилда амалга оширилган ишлар ҳамда 2002 йил режалари ҳақида Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдуқаҳҳор Тўхтаев, «Тошйўловчитранс» уюшмаси раиси — шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Равшан Файзуллаев, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Шавкат Қосимов ва Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси бошлиғи — Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Нодир Хановларнинг мажмуалар кесимида ахборотлари тингланди.

Молия бош бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Тоҳиров 2002 йил бюджети лойиҳаси тўғрисида изоҳ бериб, бу масалани депутатлар муҳокамасига тақдим этди.

Шунингдек, 2002 йил бюджет лойиҳаси Тошкент шаҳар Кенгашининг **ижтимоий-маданий ривожланиш** ҳамда **ёшлар сиёсати** ва **соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссиялари** қўшма мажлисида ҳам кўриб чиқилди.

Ушбу комиссиялар йиғилиши кун тартибидаги долзарб масалалар юзасидан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосарлари Рихситилла Акромов, Фарида Абдураҳимова ва Рустам Қурбоновларнинг жорий йилда тегишли мажмуаларда бажарилган ишлар ҳамда 2002 йилда асосий йўналишлар бўйича мўлжалланаётган тадбирлар тўғрисидаги ахборотлари тингланди. Ушбу масалалар бўйича депутатлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шунингдек, шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари йиғилишида депутатларнинг 2002 йилдаги иш режалари белгиланди.

**БУГУН**

Тошкент шаҳар Кенгашининг **маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиясининг** ҳам йиғилиши бўлиб ўтди.

**(Ўз мухбиримиз)**



## ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ:

# БУГУНГИ КУНДАГИ ФАОЛИЯТИ ВА КЕЛАЖАГИ



**Бир қараганда ушбу тиббиёт муассасаси бошқа касалхоналардан деярли фарқ қилмайдигандек кўринади: оқ халатдаги шифокор ва ҳамширалар шошилиб юришади, йўлакларда анчайин кескин сокинлик ҳукм суради, кўп сонли палаталар эшиги ёнида беморлар қариндошларининг ташвишли нигоҳларига дуч келасиз. Аслида эса бу ерда ҳаммаси ўзгача:**

**ташхисни тез ва аниқ қўйиш ва зудлик билан даволаш учун мўлжалланган асбоб-анжомлар, куннинг ҳар қандай пайтида биокимёвий, ультратовушли, кардиологик ва бошқа текширувларни таъминловчи лабораториялар, автоҳалокатга учраган, жароҳатланган ёки куйганлар ҳаёти учун курашишга, кардио-неврологик, нейрожарроҳлик ва тез ёрдамнинг бошқа турларига эҳтиёж сезувчиларга тайёр жарроҳлик хоналари бошқа ерлардагидан фарқланади. Зеро, у ҳозирда 12 та вилоят филиаллари ҳамда марказий ва шаҳар касалхоналари қошидаги 173 та филиалларни ва «03» тез ёрдам хизматини ўзига бирлаштирувчи мазмун-моҳияти жиҳатидан шошилинч тиббий ёрдам илмий марказидир.**

...Қабул қилиш бўлимига тез-тез «Тез ёрдам» машиналари келиб турибди. Ўйлаш учун дақиқалар, баъзида эса сониялардан унумли фойдаланиш керак. Бироқ, бу ерда фаолият кўрсатувчи мутахассислар ҳар қандай кутилмаган вазиятларга тайёр туришади. Уларнинг кўпчилиги кўп йиллик амалий иш стажига эга, бошқалар эса ўқиб ўрганиб ўз тажрибаларини оширмоқдалар. Бу ерда фаолият кўрсатувчиларнинг олтмишдан ортиғи шартномага мувофиқ етакчи тиббиёт марказларида — Москвадаги Склифосовский номли кечиктириб бўлмайдиган тез ёрдам илмий-текшириш институти ва Санкт-Петербургдаги Жанелидзе номидаги илмий-текшириш институтида ўқув курсларида ўқишди, Фарғона филиалидан 16 киши эса АҚШда тажриба оширишди. Ҳаммаси бўлиб фақат шу йилнинг ўзида 400 дан ортиқ шифокорлар ўқув курсларини тугатишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига мувофиқ 1-Республика клиник касалхонаси негизида ташкил этилган Давлат шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази таъмирлаш ва қайта тиклашдан сўнг 2-3 баробар кўпроқ касалларни қабул қила бошлади. Ҳозирда бу ерда шошилинч жарроҳлик, куйиш-токсикология, кардиореанимация, болалар реанимацияси, нейрожарроҳлик ва бошқа бўлимлар ишлаб турибди. Ҳар куни бу ерга шошилинч тиббий ёрдам олиш учун 250 дан 300 нафаргача бемор мурожаат қилмоқда ва улардан 100-120 нафари даволаш учун ётқизилмоқда. Бир кеча-кундузда 30-40 та атрофидаги жарроҳлик операциялари бажарилмоқда. Шифоланаётганларнинг ҳам кўлами катта — 80 фоиздан 90 фоизгача. Булар кўринишидан оддий рақамларга ўхшаса-да, бироқ уларнинг ортида кишилар ҳаётини сақлаб қолиш йўлида ўз куч-қувватини аямаётган жамоанинг машаққатли ва кескин меҳнати ётибди.

Марказ ҳудуди бўйлаб айланамиз. Ҳамма ерда саранжом-саришталик ва тозалик ҳукм суради ва фақат қайта тикланаётган корпуслардан охиргиси — қабул қилиш — ташхис ва терапия бўлимларида ҳозирча тиббиёт ходимлари ўрнида қурувчилар меҳнат қилмоқдалар. Бироқ уларнинг ишлари ўз поёнига етмоқда.

— Марказни бунёд этишнинг биринчи босқичига мўлжалланган деярли ҳамма ишлар бажариб бўлинди, — дейди Давлат шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг бош директори, тиббиёт фанлари доктори Абдуҳаким Ҳожибоев. — Бу ишлар, албатта, Ўзбекистон ҳукумати, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг доимий эътибори ва кўмаги остида амалга оширилди. Ҳозирда биз иккинчи ва учинчи босқичларга мўлжалланган ишлар, яъни Европа андозалари талабларини ҳисобга олиб қайта қурилаётган корпусларни жиҳозлашга киришдик. Ана шу мақсадларда япон гранти ва испан кредити бўйича олинаётган энг янги асбоб-анжомлар келиб тушмоқда.

Юқоридагилар билан ҳамоҳанг равишда Тошкент шаҳридаги барча илмий-марказлар ва илмий-текшириш институтларини жалб этган ҳолда хорижий ва ўз миллий тажрибамиз ҳамда тиббиётнинг энг яхши ютуқларини ҳисобга олган ҳолда кадрларни тайёрлаш ишлари ҳам давом этмоқда. Жумладан, янгидан ишлаб чиқилаётган шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш мутахассисларини тайёрлаш ўқув дастури, «CARELIFT INTERNATIONAL» ташкилоти ва Америка соғлиқни сақлаш уюшмаси билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, доимий ташкил этилаётган семинарлар, тестлар, синовдан ўтказиш ишлари ана шу мақсадлар учун хизмат қилмоқда. Анестезиология ва реанимация, тез ва шошилинч ёрдамни ташкил этиш, токсикология бўйича бизнинг асосий клиник негизи ҳисобланмиш Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институти билан алоқаларимиз ҳам тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Хўш, истиқболда бизни нималар кутмоқда? Тез ёрдам машиналарини замонавий алоқа воситалари билан жиҳозлаш, компьютер технологияларидан фойдаланиш, тез ёрдам хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида мамлакатимизнинг барча бурчаклари билан телекоммуникация алоқасини ўрнатиш лойиҳаси устидаги ишларни давом эттириш ишлари биринчи галдаги вазифаларимиз сирасига киради.

**(Ўз мухбиримиз).**

**СУРАТЛАРДА: Давлат шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг бош директори А. Ҳожибоев (ўнгда) реанимация бўлими раҳбари, профессор Ж. Собиров билан кундалик вазифаларни муҳокама қилмоқда; қайтадан тикланган марказ корпуси замонавий асбоб-анжомлар билан жиҳозланишга тайёр.**

**Сергей Любчич олган суратлар.**

# Ҳамжиҳатлик керак

Инсон саломатлигини сақлаш кўп жиҳатдан атроф-муҳит муҳофазасига боғлиқ. Бу масала ҳамма даврларда долзарб бўлиб келган. Хусусан бугунги кунимизда у ўз мавқеини йўқотмаган.

Кўпинча биз ўзга юмушлар билан бўлиб кўчаларда, маҳаллаларда, ҳатто уйимиз рўпарасида пайдо бўлган ва бўлаётган ахлатхоналарга унчалик эътибор бермаймиз. Ваҳоланки, бу чиқиндилардан чиқаётган зарарли моддалар инсон саломатлигига, атроф муҳитга қайсидир даражада ўз зарарли таъсирини кўрсатади.

Яқинда Ҳасанбой ҳудудида ҳосил бўлган ахлатхонани бартараф этиш ҳақидаги масала шаҳар ҳокимлиги, шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва шаҳар санитария-эпидемиология станцияси, шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси қўшма йиғилишида кўриб чиқилди. Ўз-ўзидан савол туғилади: хўш, бу ахлатхона қандай пайдо бўлди? Бугун унинг майдони тобора кенгайиб бораётганига ким ва нима сабаб? Ўзимиз, яна ҳам тўғрироғи шу маҳаллада истиқомат қилаётган кишиларнинг ўзлари сабабчи. Энди бугун улар пайдо бўлган ахлатхонани йўқотиш пайида ташкилотма-ташкилот зир югуриб юришибди. Улардан бу ҳақда сўрасангиз, улар бир овоздан аҳолига ўз вақтида турар жой учун ер участкалари ажратилмаганлиги сабабли 25 йил давомида тўпланган чиқиндилар аҳоли турар жойига яқин келиб қолганлигидан нолишади. Қолаверса, ушбу ҳудудда жойлашган тўртта маҳаллада яшовчи 140 хонадондан тушган шикоят хатлари ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Ҳозирги вазият ўз-ўзидан ушбу ахлатхонани йўқотиш ва ёпишни тақозо қилмоқда. Шуни назарда тутиб Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси махсус қарор чиқарди. Шунга кўра ахлатхона ҳудудини ободонлаштириш ишлари босқичма-босқич амалга ошириладиган бўлди. Албатта, бу ишга кўпроқ ерлик аҳолининг ўзи ҳисса қўшиши керак. Улар чегараланган ҳудудга қайта чиқиндиларни ташламасликни ўзгаларга тушунтириб, у ҳақда қаттиқ назорат қилиб борсалар, ўйлаймизки, тез кунларда кўзланган мақсадга эришилади. Ҳамжиҳатлик ва бир ёқадан бош чиқарилгандагина масала ижобий ҳал бўлади.

**Муяссар ЮСУПОВА**




**№ 12 (119) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг иловаси**





# Зумрад қиш таровати

Табиатнинг бузилмас бир қонуни бор. Бу қонун асрлар оша узлуксиз давом этувчи йилнинг — тўрт фаслидир. Фасллар ва уларнинг хислатию гўзалликлари ҳақида шоирлар хўб ва кўп ёзишган. Баҳор, ёз, куз, қиш ҳақидаги ривоятлару ҳикоятларни бува ва бувижонларимиз тилидан хўб эшитиб, кўп тинглаганмиз. Ўша қишнинг узоқ ва мароқли тунлари ҳали ҳам ёдимизда. Албатта, биргина қишнинг эмас, балки ҳар фаслнинг ўзига яраша гашти бор. Кумуш қишимиз фазилати эса улардан зарра қолишмайди.

Бугун «Омборлар лиқ тўла дон ола келган» куз ўз ўрнини зумрад қишга бўшатиб берган. Фасллар эстафетасини қабул қилиб олган қишимизнинг ўзгачалиги биринчи навбатда бутун борлиқни қоплаган оппоқ қорлари билан ўлчанади.

**Чўнг осмонга**
**қарайсан кулиб,**
**Паға-паға ёққанида қор.**
**Олам оппоқ**
**гулларга тўлиб,**
**Оппоқ-оппоқ**
**ястаниб боқар.**

Шундай кезларда шўхликларимиз қалбимизга сиғмайди. Кафтларимизни оппоқ қорга тутамиз. У мисоли оқ шакар каби лабларимизга қўнадию зумда эриб кетади. Орзуга айб йўқ. Начора бугун биз кутган оппоқ қордан ҳамон дарак бўлмасада қир-адирлар қиш уйқусига чўмган. Улар кун бакун ёғиб турган ёмғирдан тоб олиб келгуси йил мўл ҳосили учун куч тўпламоқда. Куни кеча олтин баргларини тўккан дарахтлар бугун қиш уйқусида. Уларнинг шохларида илиниб қолган яккан-дуккан япроқлар гўё ҳаёт учун курашаётгандек қиш шамолида зўр-базўр тебранишади. Ва ниҳоят шамол тўлқинига дош беролмай шоҳидан чирт узилиб ерга бош қўйишади. Наилож, ҳаёт қонуни шундай. Яшаш нақадар лаззатли бўлмасин, улар ўз ўринларини янгиликка, янги нав-ниҳолларга бўшатиб беришлари керак.

Бугун мунаввар тонг мудроқ уйқудан аранг кўз очади. Ахир у ёз-куз оламга нур сочди, ҳарорати-тафти билан борлиқни яшнатди, боғ-роғларни гулга буркади, меваларга жон бағишлаб уларга шарбат ато эта-эта чарчаган бўлса не ажаб.

**Беҳад завқу**
**чиройга тўла,**
**Узун, сокин қиш**
**кечалари.**
**Белига оқ**
**белбоғин боғлаб,**
**Кутар шаҳрим**
**кенг кўчалари.**

Бугун далалар сокин. Қўй-қўзилар билан гавжум бўладиган қир-адирлар сокин. Ҳатто кеча-кундуз одамлар оқими тинмайдиган азим шаҳримиз кўчаларида бир мунча сокинлик ҳукмрон.

Бугун элас-элас кўзга ташланувчи баҳайбат тоғ ортидан юзида булутлардан ним парда тортган қуёш ётоғидан эринибгина бош кўтаради. Оламга нур, ёруғлик бағишлайди. Мана шундай мунаввар тонг, фараҳли дамларда кумуш қишимизнинг зийнати янада ошиб кетгандек туюлади. Айниқса, бўсағада янги йил, янги орзу ва тилаклар қанот қоқиб турган бўлса, бутун борлиқ ўзгача жилоли кўринади, инсон кўзига.

**Янги йилга завқ билан**
**боқар экансан бу дам,**
**Кечаги кунингни ҳам**
**эсингга олгин, ошна.**
**Унутишни истамайди**
**баъзи кунларни одам,**
**Баъзи кунларга эса**
**бўлур бир умр ташна.**

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**

## Шарқ дурдоналари

# Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Ақлли киши баъзан шошади-ю, аммо шошилинч иш қилмайди сира.

● Истаган ишингизни қила олмаганингиздан кейин қўлингиздан келадиган ишга урининг.

● Агар одам бир-бирига қарама-қарши бўлган икки ишга қўл урса, улардан бирини сўзсиз амалга оширолмайди.

● Ҳеч бир ишни сабабсиз ва мақсадсиз қилма, жамият фойдасига ўтмайдиган ишга қўл урма.

● Искандар Румий бир кун устози Арастудан:

— Эй устод, мен буюк ишларга қадам қўйдим. Бу ишларим натижасида дўстларни ҳам, душманларни ҳам топаман. Улар билан қандай муомала қилишим керак? — деб сўради.

Арасту Ҳаким шундай деб жавоб берди:

— Иложи борича ўзингга душман орттирма, бирор киши сенга душманлик кўрсата бошласа, сен унга марҳамат назари билан қара, дилнавоз бўл, шу билан у киши дўстларинг қаторидан жой олади.

Дўстларингни шафқат ва марҳаматинг билан сарафроз қил. Улар сендан ажралмай, самимий дўстларинг бўлиб қоладилар.

Ёлғончи кишидан вафо кутма. Тўғри сўз кўнгилга аччиқ ва қаттиқ тегади. Одам яхшилик қилганга яхшилик қилади, бир яхшиликка ўн ҳисса яхшилик қайтаради. Кимнинг асли пок — соф бўлса, у одам элга манфаат етказади.

Эй мард одам! Одамийлик қил, олий ҳимматли, тавозели, очиқ юзли, ширин сўзли бўл.

Байт:

**Ҳаётда сен курашсанг, фойда ё зиён учун,**
**Ўйлагил ўзингни, дегил: «Бу жаҳон учун».**
**Жонингни фидо қилиб ёрит ўзгалар уйин,**
**Шунда инсон бўласан, яшайсаң инсон учун.**

● Ёлғончилик — қабиҳ иллат.

● Киши янглишган пайтида ҳар қандай одам буни сезади, аммо алдаётганида эса ҳамма ҳам буни сезавермайди.

● Ёлғончиликка ўрганган одам, ишда ҳам, бекорчиликда ҳам ёлғон сўзлайверади.

● Шира — майсани, занг — темирни, ёлғон эса қалбни ейди.

Юсуф Хос Ҳожиб айтади:

— Ёлғон кишининг обрўсини тўкади, ҳазил-мазах ҳам кишини шунга ўхшаш беиззат қилади. Ҳазил оқибати интиқом билан якунланиши мумкин. Ёлғон сўз, ҳазил-мазах ҳеч кимга маъқул эмасдир. Ёлғончи киши ҳар ким қошида беобрўдир.

Ҳусайн воис Кошифий айтади:

— Гўзал феъл- атворнинг нишонаси ўн нарсадир: биринчи нишонаси — яхшилик, иккинчиси — инсофли бўлиш, учинчиси — бошқа одамдан айб қидирмаслик, тўртинчиси — бирор кишида ножўя ҳаракат кўрса уни яхши йўлга бошлаш, бешинчиси — бир одам ўз айбига иқрор бўлиб узр этса, узрини қабул қилиш, олтинчиси — бошқалар учун машаққатни ўз устига олиш, еттинчиси — фақат ўз манфаатинигина кўзламаслик, саккизинчиси — очиқ юзли, ширин сўзли бўлиш, тўққизинчиси — муҳтожларнинг ҳожатларини чиқариш, ўнинчи нишонаси — мулойим ва тавозели бўлишдир.

Байт:

**Сен ани инсон атагил бериё,**
**Ким ишидир сабр ила шукру ҳаё.**

● Ҳасад қалбимизни яралайдиган мудҳиш оғудир.

● Чинакам яхшиликнинг асл белгиси туғилишданоқ ҳасад нималигини билмасликдир.

● Нега ҳасадгўйлар доим нимадандир хафа юрадилар. Чунки уларни нафақат ўз шахсий муваффақиятсизликлари, балки ўзгаларнинг ютуғи ҳам азобга солади.

● Ҳасад нафратдан ҳам шафқатсизроқдир.

● Арасту Ҳаким айтади:

— Улуғликка эришиш жуда қийин, аммо хасислик, пасткашликка тушиш жуда осондир.

● Суқрот Ҳаким айтади:

— Кўнгилнинг икки офати бор. Бириси: ўтган ишга қайғуриш, иккинчиси — келгуси ишни ўйлаб ғам-алам чекишдир. Биринчисидан одам кўп уйқучи бўлса, иккинчисидан уйқусизликка мубтало бўлади.

● Луқмони Ҳаким ўғлига шундай дейди:

— Эй ўғил, одамлар сўзга устаомонликлари билан мақтансалар, сен сукунатинг билан мақтан. Ҳар нарсанинг далили бор. Ақлнинг далили — фикр, фикрнинг далили сукутдир.

● Афлотун Ҳаким айтади:

— Ҳар ким давлати, мол-дунёси бор вақтда халққа шафқат, мурувват қилмаса, мабодо йўқчиликка тушиб қолганда ҳеч кимга унга шафқат назари билан қарамайди. Ҳиммати зўрнинг қиммати зўрдир.

Арасту Ҳаким айтади:

— Тўғрилик учун қурбон бўлиш, ёлғончи бўлиб узоқ умр кўришдан хайрлидир.

● Қадим фозиллардан Асмаий айтади:

— 120 ёшга кирган бир кишини кўриб ундан сўрадим: «Узоқ умр кўришингиз сабаби нима?»

У киши:

— Ҳасад, кинчиликдан парҳез қилдим. Мана шу хислатим узоқ умр кўришимга сабабчи бўлди, — деб жавоб қилди.

Байт:

**Гар десанг умримда ғамгин бўлмайин,**
**Қилма ҳеч кимга ҳасад ҳам тутма кин.**

● Олимлардан Содиқ шундай дейди: уч кишининг қадри уч ерда билинади: марднинг қадри жангда, мулойимнинг қадри ғазаб пайтида ва дўстнинг қадри ҳожат тушган вақтида.

● Қадим ҳакимларнинг сўзларича, уч киши қўполлигини маъзур тутмоқ лозим: биринчи — очнинг, иккинчи — касалнинг, учинчи — мусофирнинг.

● Афлотун сўзи:

— Одамлар тўрт хилдир. Биринчиси шундайки, ваъда бермайди, аммо сўралган ишни адо қилади. Иккинчиси ваъда беради, аммо бажармайди. Учинчиси ваъда бермайди ҳам, бажармайди ҳам. Тўртинчиси ваъда берадилар ва албатта бажарадилар.

● Бир нарса борки, улар бошқа нарсаларга доимо тобедир. Масалан, мурувват — ақлга бой ва тадбир — тажрибага, яқинлик — муҳаббатга.

● Билгинки, ҳаётий маишатингни яхшилайдиган ва ишларингни ҳақиқий тўғри йўлга соладиган энг улуғ восита бу — илмдир. Илм буюк қадрга ва олий фазилатга эга. Сен илм туфайли фазлу шарафга, улуғликка ва орзу истакларга нойил бўласан. Илм касб ва фазилатларнинг энг афзали, илм ўрганувчи эса шу тоифанинг улуғроғидир. Илм орқали яхши-ёмонни танийсан, ҳалол-ҳаромнинг фарқига борасан, дўстлик ва қариндош-уруғнинг фазилатларини англайсан, қонун-қоидаларни тушунасан, ҳақ-ҳуқуқларингни биласан.

Илм шундай бойликки, у сенинг ақлингни мустаҳкамлайди, хулқингни поклайди, табиатингни тозалайди, иззатингни оширади. Илм сенинг ҳаётингга таҳсинга сазовор бўладиган янгилик олиб киради. Ёзишга, ижод қилишга, тасниф этишга шароит яратади, бу билан эса сени камолга етказиб, умрингни боқий қилади.

Байт:

**Ақлдан ғамгинлик, шодлик, ўктамлик.**
**Ақлдан борлигу йўқлигу, камлик.**

**● ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР**

# Ҳамон ғайрати жўшқин



Бобохон набираси Ҳамидхон ўғли Азиз мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ китоб мутолаа қилишни яхши кўрар, матбаачи бўлишни орзу қилар эди. Ана шу орзулари уни Тошкентнинг эски шаҳридаги 2-ҳунар билим юртига етаклади. Шу ерда у ҳарф терувчилик бўлимида ўқиб, ҳунар ўрганди. Маҳмуд Иброҳимов билан Рашид ака Идрисовлар унинг биринчи устозлари бўлишди. 1949 йили у билим юртини битириб, 1-босмахонага ишга йўлланди.

Меҳнат фаолиятини ғоятда нозик ва масъулиятли ҳарф терувчилик касбидан бошлаган Азиз Бобохонов кунт билан ишлади, тинмай изланди. Азиз аввалига ҳарф терувчи, сўнгра саҳифаловчи, матн тузатувчи бўлиб ишлади.

Ҳарбий хизматдан қайтган Азиз Бобохоновни 1-босмахона жамоаси яна қучоқ очиб кутиб олди. У матбаачилик касби сир-асрорларини ўрганишда, малакасини оширишда давом этди. Саъй-ҳаракат, касбга ихлос ўз самарасини берди. Уни «Ўздавнашр» (ҳозирги «Ўзбекистон») нашриётига техник муҳаррир вазифасига ишга таклиф қилишди. Шундан кейинги фаолияти нашриётлар билан боғланди-қолди. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётининг техник муҳаррирлар ва ишлаб чиқариш бўлимига бошчилик қилди, нашриёт директорининг ўринбосари вазифасида ишлади.

«Прогресс» нашриётининг бўлими Тошкентда иш бошлагач бўлим зиммасига араб, форс, дари, пуштун, ҳинду, урду, бенгал, ўзбек тилларида китоблар нашр этиб, хорижий мамлакатларга, айниқса, Шарқ давлатларига экспорт қилиш вазифаси юкланди. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт директорининг ўринбосари вазифасида ишлаб келаётган, 27 йиллик иш тажрибасига эга бўлган Азиз Бобохонов «Прогресс» нашриёти Тошкент бўлими директорининг ўринбосари вазифасига ишга таклиф этилди. У таржимонлар, муҳаррир ва муҳандислар, матбаачиларнинг хорижга мос ва соз китобларни нашр қилиш ишига сафарбар этилишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Орадан кўп ўтмай Тошкент бўлимининг биринчи қалдирғоч маҳсулоти — араб ва форс тилидаги китоблар хорижга экспорт қилинди. Шундан сўнг бенгал, урду, дари, пуштун ва ҳинду тилларидаги китоблар пешма-пеш хориж ўқувчиларига етказиб берилди. Бу шарафли ишни амалга оширган ношир — матбаачилар меҳнати муносиб тақдирланди. Азиз Бобохонов шарқ тилларида босма маҳсулот нашр этиш ишини йўлга қўйганлиги учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонига сазовор бўлди.

Азиз Бобохонов «Прогресс» нашриёти иккига: «Прогресс» (сиёсий адабиётлар нашриёти) ва «Радуга» (бадиий адабиётлар нашриётига) ажралганидан сўнг «Радуга» нашриёти Тошкент бўлимининг директори этиб тайинланди.

У ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини битирган. «Туркистон-Ўзбекистон матбаа-ноширчилигининг пайдо бўлиши, ривожланиши ва унинг ишчи кадрларининг етишиб чиқиши» мавзуидаги диссертацияни муваффақиятли ёқлаб, тарих фанлари номзоди унвонига сазовор бўлган.

Ношир-матбаачи Азиз Бобохонов етук журналист, таржимон ижодкор ҳамдир.

Азиз ака ўзининг қарийб ярим асрлик меҳнат фаолияти давомида жуда кўп шогирдларни тарбиялаб етиштирди.

— Инсон қаерда, қай соҳада ишламасин, биринчи навбатда ўз касбига ихлос қўйиши керак. Бунда ҳикмат кўп, — деб таъкидлайди ҳамиша Азиз ака ўз шогирдларига.

Азиз Бобохонов матбаачи-ноширлар сулоласининг бошлиғи. Унинг укаси Олим Бобохонов ака изидан бориб 3-босмахонада кўп йиллар чоп этувчи бўлиб ишлади. Умр йўлдоши — Муқаддасхон опа 40 йилга яқин «Медицина» (ҳозирги Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти»)да мусаҳҳиҳ ва муҳаррир вазифаларида ишлаб, пенсияга чиқди. Ўғли Аваз Бобохонов республиканинг йирик босмахоналарида етакчи технолог, «Ёзувчи», «Мажнунтол» нашриётларида директор ўринбосари бўлиб ишлади. Ҳозир «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси газеталар мажмуининг бошлиғи. Келини Ҳалимахон Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти матбаа саноат кафедрасида етакчи ўқитувчи, техника фанлари номзоди, доцент. Икки қизидан бири — Раънохон Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасининг «Миллий китоб палатаси»да ўн йилдан зиёд мусаҳҳиҳ ва муҳаррир бўлиб ишлади. Ҳозир «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси нашриёт бўлимида кичик муҳаррир бўлиб ишлайди. Кенжатой қизи Нодирахон шифокор касбини эгаллаган.

Азиз Бобохонов ўзининг қарийб ярим асрлик меҳнат фаолияти давомида жуда кўп китобларнинг нашр этилишига ҳисса қўшди. Уларни санаб адоғига етолмайсиз. Биргина унинг китоб жавонида сақланаётган, нашр этилишига яқиндан ёрдам бергани учун муаллифлар ўз дастхатини қолдирган адабиётлар сони беш юздан ошади. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ўзининг «Руҳим» ва «Онажон» китобларига ёзган дастхатида шундай деб ёзади: «Ажойиб инсон, қадрдон акам Азиз акага. Бу китобларни Сиз чиқариб бердингиз. Укалик ҳурматидан ташқари, мен Сизнинг марҳаматингиз, беғубор қалбингиз олдида қарздорман».

«Ҳурматли Азиз ака! Бу китобчанинг дунёга келишида қилган хизматларингиз учун доимо миннатдорман. Сизга саломатлик, ғайрат тилаб қоламан», деб ёзади Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов.

Ўзининг етмишинчи баҳорини қаршилаётган Азиз ака Бобохонов шоир ният қилганидек ҳамон ғайрати жўшқин. Биз унинг яна кўп йиллар оиласига бош бўлишини, фарзандлар ва набиралар роҳатини кўришини тилаб қоламиз.

**Абдуғани АБДУЛЛАЕВ**


## ҚУТЛАЙМИЗ!

*Муҳтарама Рухсора ҳожи она!*

*Сизни ҳаётингиздаги қутлуғ кун — олтмиш олти ёшни қаршилаганингиз муносабати билан чин кўнгилдан табриклаймиз. Оллоҳдан Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаб ҳамда бахтимизга соғ-омон бўлиб юринг деб,*

***ўғилларингиз Саидакбар, Саидакмал, Саидакром ҳамда келинларингиз, невараларингиз.***

## «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.
Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон:
133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.
**МАНЗИЛИМИЗ:**
**МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204 -ХОНА.**

Г. В. Плеханов номли Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент шаҳридаги филиали раҳбарлиги филиал директорининг ўринбосари, доцент Бобониёз Муртазаевга ва унинг оила аъзоларига онаси

**МАЛИКА** аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2668 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-3107. Босмага топшириш вақти 12.00 Топширилди 13.30 1 2 3 4 5 6